# Халқ сўзи

Ўзбекистон – келажаги буюк давлат

1991 йил 1 январдан чиқа бошлаган • E-mail: Info@xs.uz • 2012 йил 28 март, № 60 (5480) Чоршанба


# САНОАТЧИЛАРИМИЗНИНГ ХАЛҚАРО ФОРУМИ

*Кеча Тошкент шаҳрида “Uzbekistan Industrial Forum — 2012” III Халқаро саноат форуми иш бошлади. Ўз доирасида саноатимизнинг етакчи тармоқларига ихтисослаштирилган бешта кўргазмани қамраб олгани тадбир нуфузини янада оширди. Иштирокчилар сони ўтган йилдагига нисбатан 62 фоизга ўсгани, уларнинг 80 фоизи эса чет эл компаниялари мутахассислари эканлиги бунинг яққол исботидир.*

## Кўргазма

Саноатчиларимизнинг мазкур нуфузли форуми Ўзбекистон Республикаси Фавқулодда вазиятлар вазирлиги, Савдо-саноат палатаси, Геология ва минерал ресурслар давлат қўмитаси, “Ўзмонтажмахсусқурилиш” уюшмаси, “Ўзавтойўл” ва “Ўзкимёсаноат” компаниялари, шунингдек, Ички ишлар вазирлигининг Ёнғин хавфсизлиги бош бошқармаси кўмагида “IEG Uzbekistan” компанияси томонидан ташкил этилди.

Тадбирнинг очилиш маросимида таъкидланганидек, мамлакатимизда Президентимиз ташаббуси билан иқтисодиётни таркибий ва сифат жиҳатидан ўзгартириш, айниқса, саноат тармоқларини ривожлантиришга жиддий эътибор қаратилмоқда. Натижада саноат маҳсулотлари ишлаб чиқариш суръати йил сайин ўсиб бораяпти. Масалан, 2000 йилда ялпи ички маҳсулотда саноатнинг улуши 14,2 фоизни ташкил этган бўлса, 2011 йилга келиб, бу кўрсаткич 24,1 фоизга етди. Саноат маҳсулоти умумий ўсишининг қарийб 70 фоизини юқори қўшимча қийматга эга бўлган тайёр маҳсулотлар ишлаб чиқаришга ихтисослаштирилган соҳалар ташкил қилаётгани, айниқса, қувонарлидир.

Анъанавий ўтказиб келинаётган мазкур тадбир саноатимиз ютуқларини тарғиб қилиш баробарида, унинг тараққиёти йўлида янги саҳифалар очилишига туртки бўлаяпти. Сабаби, у машинасозлик, металлургия, кончилик каби иқтисодиётимизнинг етакчи соҳаларига замонавий ва юқори технологияли ускуналарни жалб этиш, чет эллик ҳамкорлар билан йирик лойиҳаларни амалга ошириш имконини бераётир.



(Давоми 2-бетда).

*Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасида Компьютерлаштириш ва ахборот-коммуникация технологияларини ривожлантириш бўйича мувофиқлаштирувчи кенгашнинг Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2012 йил 21 мартда қабул қилинган замонавий ахборот-коммуникация технологияларини янада кенгроқ жорий қилиш ва ривожлантириш чора-тадбирларига оид қарорининг бажарилишини таъминлашга бағишланган навбатдан ташқари йиғилиши бўлиб ўтди.*

# МУВОФИҚЛАШТИРУВЧИ КЕНГАШ ЙИҒИЛИШИ

Мажлисда ушбу қарорнинг мазмун-моҳияти, асосий вазифалари ва мақсадлари давлат ва хўжалик бошқаруви, маҳаллий ҳокимлик органлари раҳбарлари, мажлис қатнашчиларига кенг ва атрофлича тушунтириб берилди.

Ахборот-коммуникация технологияларини жорий қилиш ва ривожлантиришнинг учинчи босқичи ҳисобланаётган ахборот тизимларини жорий этиш билан биргаликда, улардан фойдаланиш самарадорлигини оширишга оид вазифалар ижроси бўйича аниқ чора-тадбирлар белгилаб олинди.

Ушбу вазифаларни ўз вақтида ва сифатли бажариш бўйича аниқ топшириқлар ва муддатлар белгиланди, Ўзбекистон Республикасида 2012 — 2014 йилларда замонавий ахборот-коммуникация технологияларини янада кенг жорий этиш ва ривожлантириш бўйича дастурнинг ижросини таъминлаш юзасидан режа-жадвали тасдиқланди.

(Давоми 2-бетда).

# Самарали фаолиятнинг устувор йўналишлари

*Иқтисодчиларнинг таҳлилларига кўра, жаҳон иқтисодиётига 2008 йилда бошланган глобал молиявий-иқтисодий инқирознинг таъсири ҳали ҳам сезилиб турибди.*

## Банк — иқтисодиёт таянчи

Бу, энг аввало, захира валюталарининг беқарорлиги, молия-банк тизими кредит қобилиятининг кескин пасайиши ва инвестициявий фаолликнинг сусайиши каби омиллар билан намоён бўлмоқда. Оқибатда дунёнинг кўплаб мамлакатлари иқтисодиёти издан чиқаяпти. Шундай мураккаб бир шароитда мамлакатимиз молия-банк тизимида ижобий ўзгаришлар кузатилаётгани, айниқса, қувонарлидир. Бу “Стандарт энд Пурс”, “Мудис” ва “Фитч Рейтингс” каби нуфузли халқаро рейтинг агентликлари томонидан ҳам эътироф этилиб, икки йилдан буён Ўзбекистон банк тизимига “барқарор” рейтинг даражаси берилаётир.

Мазкур ижобий натижалар Тошкент молия институтида бўлиб ўтган “Глобаллашув шароитида банк тизими барқарорлигини таъминлашнинг устувор йўналишлари” мавзуидаги халқаро илмий-амалий анжуманда яна бир карра эътироф этилди.

(Давоми 2-бетда).

## Тадбир

*Тошкентда Ўзбекистонда Германия илм-фани куни мавзуида семинар бўлиб ўтди.*

# ЎЗБЕКИСТОНДА ГЕРМАНИЯ ИЛМ-ФАНИ КУНИ

Тадбир Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Фан ва технологияларни ривожлантиришни мувофиқлаштириш қўмитаси, Германия таълим ва илмий тадқиқотлар федерал вазирлиги ҳамда мазкур давлатнинг мамлакатимиздаги элчихонаси ҳамкорлигида ташкил этилди. Унда икки мамлакатнинг тегишли вазирлик ва идоралари, илмий тадқиқот институтлари ҳамда халқаро ташкилотлар вакиллари, олий ўқув юртлари профессор-ўқитувчилари, экспертлар, олим ва мутахассислар қатнашди.

Анжуманда Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Фан ва технологияларни ривожлантиришни мувофиқлаштириш қўмитаси раиси Ш. Солиҳов Ўзбекистон билан Германия ўртасидаги ўзаро алоқалар барча соҳаларда, жумладан, илм-фан йўналишида ҳам изчил ривожланиб бораётганини алоҳида таъкидлади.

Президентимиз раҳнамолигида мамлакатимизда илм-фан тараққиётини жадаллаштириш, таълим, фан ва ишлаб чиқариш интеграциясини таъминлаш, илғор технологияларни ўзлаштиришга алоҳида эътибор қаратилмоқда.

(Давоми 2-бетда).

# «БИЗ – БИР ЖАМОА, БИЗ – БИР ОИЛА»

*Ёшларнинг ижтимоий фаоллигини ошириш, уларнинг ташаббус ҳамда ғояларини ҳар томонлама қўллаб-қувватлашга эътибор “Ўзбекистон маданияти ва санъати форуми” жамғармасининг асосий мақсад ҳамда йўналишлари сирасидандир.*

## Ёшлар акцияси

Куни кеча “Фонд форум” ва “Келажак овози” ёшлар ташаббуслари марказининг мазкур йўналишдаги яна бир йирик лойиҳаси — “Биз — бир жамоа, биз — бир оила” номли акция бошланди. Ушбу тадбир Ижтимоий ташаббусларни қўллаб-қувватлаш фонди, “Аёллар кенгаши” республика жамоат бирлашмаси, БМТнинг аҳолишунослик бўйича жамғармаси — UNFPA, К. Аденауэр фонди ҳамда бошқа тегишли ташкилотлар ҳамкорлигида ўтказилмоқда. Унинг доирасида Ёшлар ташаббуслари форуми, “Таълим ва карьера” кўргазмаси, “Ҳаёт учун” оилавий хайрия марафони, “Соғлом ёшлар”, “Веб дастурчилар мактаби”, “Ёшлар журналистикаси тараққиёти” акциялари ва бошқа маънавий-маърифий тадбирлар ташкил этилди.

Ёшлар акциясининг дастлабки тадбирлари Сирдарё вилоятида уюшқоқлик билан ўтказилди. Эрта тонгдан Гулистон давлат университети биносида иш бошлаган “Таълим ва карьера” кўргазмасига талаба-ёшлар ҳамда коллеж ва лицейлар битирувчилари бирин-кетин кела бошлашди. Кўргазмада 100 дан зиёд корхона ва ташкилотлар бўш иш ўринлари билан қатнашди. Тадбирда 400 нафарга яқин ёшлар ишга жойлашиш учун йўлланма, 1500 нафардан зиёд йигит-қиз эса ҳуқуқий маслаҳатлар олдилар.

— Кўргазмага келиб, унинг фаолияти билан яқиндан танишгач, ишли бўлдим, — дейди Оқолтин саноат касб-ҳунар коллежи битирувчиси Маҳкамой Норматова. — Дугонам иккимиз “Ипак Шердор Шерозий” масъулияти чекланган жамиятга тикувчиликка ишга қабул қилиндик. Билдирилган бу ишонч келгусида намунали ходим сифатида астойдил меҳнат қилишга ундайди бизни.

Шу куни университетда дастурлаш, веб дизайн ва 3D технологиялари асослари бўйича тақдимот ҳамда “Ёшлар журналистикаси тараққиёти” мавзуида тренинг ўтказилди.

Вилоят марказида эса “Ёшлар ташаббуслари форуми” бўлиб ўтди. Иқтидорли ёшлар, талабалар, “Келажак овози” ЁТМ фаоллари, шунингдек, қатор мутасадди ташкилотлар вакиллари иштирок этган мазкур тадбирда янгича ғоялар, ташаббуслар ўртага ташланди. Хусусан, Зулфия номидаги Давлат мукофоти совриндори Малика Нарзуллаева табиий ўғитлардан биогаз ишлаб чиқариш лойиҳасини илгари сурди.

(Давоми 2-бетда).

# Мамлакатимизда:

Воқеалар, янгиликлар, хабарлар

## Тошкент

*Миллий санъат марказида “Bazar-Art. Баҳор — 2012” кўргазма-ярмаркаси иш бошлади.*

**«Bazar-Art. Баҳор — 2012»:**

### Миллий қадриятлар тараннуми

Мазкур анъанавий тадбир “Ўзбекистон маданияти ва санъати форуми” жамғармаси ҳамда рассомлар, санъатшунослар ва халқ усталарининг “IJOD” уюшмаси ҳамкорлигида ташкил этилди.

Кўргазма-ярмарканинг очилишида миллий ҳунармандчилик соҳаси ривожига ўз изланишлари билан ҳисса қўшаётган бир гуруҳ устозу шогирдларга махсус грантлар топширилди.

(Давоми 2-бетда).

## Бухоро

*Ромитан туманидаги “Муҳаммаджон-Мақсад-Сулаймон” хусусий корхонасида лойиҳа қиймати 75 минг АҚШ долларилик модернизация тадбирлари амалга оширилди.*

### Маҳсулот сифати яхшиланди

Бунинг натижасида маҳсулот тури кўпайиб, сифати ҳам яхшиланди. Айни пайтда бу ерда пластмасса идишлар, эшик ва дераза ромлари ҳамда электр жиҳозлари ишлаб чиқарилмоқда.

Вилоятда айни пайтда 26700 га яқин тадбиркорлик субъектлари фаолият кўрсатаяпти. Уларнинг ялпи ҳудудий маҳсулотдаги улуши 65,7 фоизга етди.

**И. ИБРОҲИМОВ,**
**«Халқ сўзи» мухбири.**

### Маҳаллада спорт мажмуаси

*Наврўз шукуҳи кезиб юрган шу кунларда вилоят шаҳар ва туманларида жами 30 та савдо ҳамда маиший хизмат кўрсатиш, шунингдек, ижтимоий соҳа объектлари фаолият бошлади.*

## Самарқанд

Пайариқлик тадбиркор Нурматжон Самаров ҳам ўз маблағи ҳисобидан Челак шаҳридаги Мирзо Улуғбек маҳалласида спорт мажмуаси қуриб, ёшлар ихтиёрига топширди.

— Ёшларимиз учун бу ажойиб байрам совғаси бўлди, — дейди маҳалла раиси Муҳаббат Казакова. — Айни пайтда бу ерда кураш, бокс, кикбоксинг, футбол каби спортнинг бир қанча турлари бўйича тўгараклар ташкил қилдик.

**М. ЗИЁДИНОВ,**
**«Халқ сўзи» мухбири.**

### Икки ҳиссага ортди

*Ангрен шаҳридаги “Altendorf” масъулияти чекланган жамияти фаолият бошлаганига кўп бўлгани йўқ. Айни пайтда бу ерда хориж технологияси асосида бежирим ва замонавий мебеллар тайёрланмоқда.*

## Тошкент вилояти

— Ишни ташкил этишимизда банкнинг 248 миллион сўмлик молиявий кўмаги қўл келди, — дейди корхона раҳбари Ўткиржон Раҳматуллаев. — Хусусан, цехимизга Германия давлатидан илғор мебелсозлик ускуналарини келтириб ўрнатдик. Ишлаб чиқариш жараёнлари компьютерлаштирилгани боис қўл меҳнати сарфи 3-4 баробаргача камайди.

Ўтган йили кончилар шаҳрида маҳаллий дастур доирасида ишлаб чиқаришга йўналтирилган сармоялар ҳажми икки ҳиссага кўпайиб, 6 миллион 770 минг АҚШ долларини ташкил этди.

**Ғ. ШЕРАЛИЕВ,**
**«Халқ сўзи» мухбири.**

## Жиззах

*Форишлик ҳунарманд Намозбек Жўрақулов чинни буюмлари ишлаб чиқаришни йўлга қўйиб, илк маҳсулотларини Наврўз кунларида ҳамқишлоқларига туҳфа қилди.*

### Фориш чиннилари

Михин қишлоғида жойлашган “Жозиба чинниси” хусусий корхонасида тайёрланаётган ранг-баранг ошхона жиҳозлари ўзининг чиройи ва сифатлилиги билан кўпчилик эътиборини тортмоқда. Тадбиркорнинг ўз маблағи ҳамда банкнинг 22 миллион сўмлик кредити эвазига бунёд этилган мазкур хусусий корхонада оила аъзоларидан ташқари, яна беш киши меҳнат қилмоқда.

Ўтган йили туманда 80 та кичик бизнес субъекти ташкил этилиб, 2700 нафардан зиёд киши ўз иш жойларига эга бўлди.

**У. АДИЛОВ,**
**«Халқ сўзи» мухбири.**

БИР РАҚАМ ШАРҲИ

# ИЖТИМОИЙ ИНФРАТУЗИЛМА ОБЪЕКТЛАРИ КЎПАЙМОҚДА

***2012 йил давомида қишлоқ жойларда барпо этилаётган намунавий лойиҳалар асосидаги тураржой массивларида ижтимоий инфратузилма объектларини қуриш учун қарийб***

**810 миллиард сўмлик капитал қўйилмалар ўзлаштирилиши режалаштирилмоқда.**

Бунинг ҳисобига комплекс қурилиш жойларида 26 та қишлоқ врачлик пункти, 10 та умумтаълим мактаби ва 680 тадан зиёд хизмат кўрсатиш ҳамда сервис объектлари фойдаланишга топширилади.

# САНОАТЧИЛАРИМИЗНИНГ ХАЛҚАРО ФОРУМИ

(Давоми. Бошланиши 1-бетда.)



Айни шу жиҳат хорижлик ишлаб чиқарувчилар эътиборини тортмоқда. Бу галги “UzMetal — MashExpo — 2012”, “UzMiningExpo — 2012”, “UzSpectechExpo — 2012”, “UzChemPlastExpo — 2012”, “UzPromStroyExpo — 2012” халқаро кўргазмаларида дунёнинг ўнга яқин мамлакатларидан 50 дан зиёд компаниялар иштирок этаётгани шундай дейишимизга асос бўлади.

— Ўзбекистон иқтисодиёти, хусусан, саноатида кузатилаётган барқарор ривожланишдан хабардормиз, — дейди Хитойнинг машинасозлик компанияси раҳбари Жери Баян. — Соҳа вакили сифатида айтишим мумкинки, бунга ишлаб чиқаришни модернизация қилиш, техник ва технологик янгилаш ишларининг жадал олиб борилаётгани туфайли эришилаяпти. Саноат корхоналарининг бундай йирик лойиҳаларни амалга оширишида давлат томонидан берилаётган кўмак ўрганса арзигулик жиҳатдир. Биз таклиф этаётган ускуна ва машиналар саноат тармоқларида ишлаб чиқаришни такомиллаштириш, иш кўламини оширишга хизмат қилади. Шу боис янги ҳамкорлар топиш, маҳсулотларимиз савдоси бўйича шартномалар имзолашдан умидвормиз.

Мазкур компания гидравлик машиналар ишлаб чиқариш бўйича Хитойда етакчи ҳисобланади. У ерда тайёрланаётган машина ва агрегатлар автомобилсозлик, металлургия, тўқимачилик, целлюлоза-қоғоз, металлни қайта ишлаш каби соҳаларда қўлланилади. Шу боис унинг маҳсулотларига ташқи бозорда ҳам талаб юқори.

Хитойлик ишлаб чиқарувчиларнинг ускуналари билан яқиндан танишган юртдошларимизга уларнинг юқори сифати, иқтисодий самарадорлиги маъқул тушмоқда.

Бу йилги кўргазмалар қамров жиҳатдан кенгайиб, унинг таркибига кимё саноати ва саноат қурилиши каби янги йўналишлар ҳам қўшилди. Ташкилотчиларнинг айтишича, бунга соҳа мутахассисларига ва иштирокчиларнинг талабидан келиб чиққан ҳолда қўл урилди.

Кўргазмалар майдонида Металлургия ва металлга ишлов бериш, Машинасозлик, Кон саноати учун технологиялар ва ускуналар, Махсус техника, Кимё саноати маҳсулотлари ҳамда Замонавий қурилиш материаллари каби бўлимлар ишлаб турибди. Уларнинг барчаси ҳамиша гавжум. Бу ерга келган кишилар саноат соҳасидаги энг сўнгги янгиликлардан хабардор бўлиш, юқори технологияли қурилма ва ускуналар, серунум техника воситалари билан яқиндан танишишлари мумкин. Шу боис тадбирнинг ишчан руҳда ўтиши, томонлар ўртасида тенг манфаатли кўплаб келишувларга эришилиши кутилаяпти.

Умуман олганда, “Uzbekistan Industrial Forum — 2012” III Халқаро саноат форуми кўламининг кенглиги, мавзулар ранг-баранглиги билан саноатимиз ютуқларининг чинакам намойиш майдонига айланди. Бу, ўз навбатида, саноат тармоқларига инвестициялар, шу жумладан, тўғридан-тўғри хорижий инвестицияларни киритиш, замонавий техника ва технологияларни жалб этишда кенг имкониятлар эшигини очиши муқаррар.

Кўргазмалар 29 мартгача фаолият кўрсатади.

**Саид РАҲМОНОВ, Ҳасан ПАЙДОЕВ (суратлар), «Халқ сўзи» мухбирлари.**

(Давоми. Бошланиши 1-бетда.)

Шунингдек, давлат органларида ахборот тизимларини жорий қилиш ва интернет тармоғидан фойдаланиш самарадорлигини баҳолаш механизми ва мезонларини ишлаб чиқиш бўйича ишчи гуруҳ таркиби тасдиқланиб, унинг асосий вазифалари белгиланди.

## МУВОФИҚЛАШТИРУВЧИ КЕНГАШ ЙИҒИЛИШИ

Қарорда жорий йилда амалга оширилиши лозим бўлган топшириқлардан келиб чиққан ҳолда, Компьютерлаштириш ва ахборот-коммуникация технологияларини ривожлантириш бўйича мувофиқлаштирувчи кенгашнинг 2012 йил иш режасига тегишли қўшимча ва ўзгартиришлар киритилди.

Мажлисда айрим вазирлик ва идораларнинг ахборот-коммуникация технологияларини жорий қилишни янада ривожлантириш бўйича ишлаб чиқилган чора-тадбирлар режаси кўриб чиқилди.

Шунингдек, дастурий маҳсулотларнинг миллий ишлаб чиқарувчиларини ҳамда давлат органларининг АКТ соҳасидаги юксак малакали мутахассисларини қўллаб-қувватлаш ва рағбатлантиришни янада ривожлантириш юзасидан амалга оширилиши лозим бўлган вазифалар белгилаб олинди ҳамда мутасадди вазирлик ва идоралар раҳбарларига тегишли кўрсатмалар берилди.

Кўрилган масалалар бўйича мутасадди вазирлик ва идораларнинг фикр-мулоҳазалари тингланди ҳамда қўйилган вазифаларни ўз вақтида ва сифатли амалга ошириш юзасидан Мувофиқлаштирувчи кенгаш ҳамда соҳа мутахассислари томонидан таклифлар берилди. Йиғилиш натижалари юзасидан Мувофиқлаштирувчи кенгашнинг тегишли қарори қабул қилинди.

**(ЎзА).**

# «БИЗ — БИР ЖАМОА, БИЗ — БИР ОИЛА»

(Давоми. Бошланиши 1-бетда.)

Форумда қатнашган корхона ва ташкилотларнинг раҳбар ходимлари, банк-молия муассасалари масъуллари ана шундай ташаббускор ёшларни қўллаб-қувватлашларини билдирдилар. Шундан сўнг кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни ривожлантириш, бандликни таъминлаш, истиқболли инновацион лойиҳаларни амалиётга татбиқ этиш сингари мавзулар юзасидан форумнинг тегишли қарори қабул қилинди.

Ёшлар орасида соғлом турмуш тарзини тарғиб этишга қаратилган “Ҳаёт учун” хайрия марафони, шунингдек, “Келажак овози” ЁТМнинг ахборот акцияси вилоятдаги интилувчан ўғил-қизларда катта қизиқиш уйғотди.

Акция Олим Хўжаев номидаги драма театри саҳнасида бўлиб ўтган гала-концерт билан якунланди. Ушбу тадбирда “Фонд форум” лойиҳаларида фаол иштирок этган истеъдод соҳибларига ташкилотчилар томонидан эсдалик совғалари топширилди.

**Шомурод ХОЛМУРОДОВ, «Халқ сўзи» мухбири.**

Мебелсозлик:

# ИЗЧИЛЛИК ВА НАТИЖА

*Мебелсозлик саноатимизнинг жадал ривожланаётган тармоқларидан бири ҳисобланади. Соҳага ихтисослаштирилган корхоналарнинг сони мингдан ошгани, маҳсулот ишлаб чиқариш ҳажмининг йил сайин ўсиб бораётгани бунинг ёрқин далилидир.*

Анжуман

Мутахассислар эришилаётган ютуқларни соҳага қаратилаётган алоҳида эътибор ва турли имтиёзларнинг жорий қилинаётгани билан изоҳлашмоқда. Натижада мебель жиҳозларига бўлган аҳоли эҳтиёжининг асосий қисми маҳаллий ишлаб чиқарувчилар томонидан таъминланаяпти. Масалан, бу борадаги етакчи ишлаб чиқариш субъекти — “Файз” холдинг компаниясининг улуши 15 фоизга тенг.

Айни пайтда компания тизимида 24 та корхона фаолият юритаётган бўлиб, асосий эътибор ишлаб чиқариш суръати ва сифатини муттасил оширишга қаратилган. Шу мақсадда тизимга замонавий технологик линиялар изчил жалб этилаяпти. Бу ҳақда Ўзбекистон Миллий матбуот марказида мебель саноатини модернизациялаш, техник ва технологик янгилаш, маҳаллий хом ашёдан ишлаб чиқаришни янада кенгайтириш масалаларига бағишланган матбуот анжуманида батафсил маълумот берилди.

Таъкидланганидек, мебелсозлик тараққиётини замонавий ускуналарсиз тасаввур қилиб бўлмайди. Шу боис компанияга хорижнинг илғор жиҳозлари олиб келиниб, импорт ўрнини босувчи маҳсулотлар ва бутловчи буюмлар тайёрлаш ўзлаштирилаяпти. Булар нафақат ўз эҳтиёжлари учун ишлатилаяпти, балки соҳада фаолият кўрсатаётган кичик бизнес субъектларига ҳам етказиб берилаётгани эътиборга моликдир. Маҳаллийлаштириш дастури бунда муҳим омил бўлаётир. Айни пайтда 28 та ана шундай лойиҳа амалга оширилаётган бўлиб, унинг шарофати билан жорий йилда ишлаб чиқариш ҳажми 32 миллиард сўмга етиши кутилмоқда.

Таҳлилларга қараганда, мебель саноати учун зарур хом ашёнинг импорти тобора камаймоқда. Айтайлик, 2007 йилда хом ашёнинг 68 фоиздан ортиғи четдан келтирилган бўлса, бугунги кунга келиб, бу кўрсаткич 52,3 фоизга туширилди. Асосий ашё — қипиқли ва толали плиталар тайёрлашни йўлга қўйиш борасида ҳам изланишлар олиб борилаяпти. Бунинг учун юртимизда серсоб бўлган буғдой, шоли ва ғўза пояларидан фойдаланиш кўзда тутилган.

Тизимда изчил олиб борилаётган мазкур ислоҳотлар хонадонлар кўрки ва файзи бўлган мебель жиҳозлари ишлаб чиқариш ҳажмини янада ошириш, экспорт салоҳиятини юксалтиришга қаратилгани билан аҳамиятлидир.

**Р. САИДОВ.**

«Bazar-Art. Баҳор — 2012»:

# Миллий қадриятлар тараннуми

(Давоми. Бошланиши 1-бетда.)

Шуни алоҳида қайд этиш жоизки, “Bazar-Art” лойиҳаси истеъдодли уста-ҳунармандларимиз ижодини кенг миқёсда танитишга, шунингдек, уларнинг ўзаро тажриба алмашуви ва ижодий ҳамкорлигига йўл очмоқда. Қувонарлиси эса, ушбу тадбирда таниқли усталарнинг ижод оламига эндигина қадам қўйган ёш шогирдлари ҳам фаол иштирок этаётганлигидир. Анъанага мувофиқ, лойиҳа доирасида улар учун тажрибали санъат усталарининг маҳорат сабоқлари ўтказилаяпти.

— Биз абрбандлар сулоласи вакилларимиз, — дейди наманганлик уста Абдулатиф Аҳмаджонов. — Кўргазма-ярмаркада шогирдларим билан учинчи бор иштирок этаяпмиз. Ўзим эллик йилдан буён шу ҳунар билан шуғулланаман. Қирқ нафардан зиёд ёшларга абрбандлик санъати сирларини ўргатдим. Ҳозирги кунда оилада мазкур тадбиркорлик асосида миллий матолар ишлаб чиқаришни йўлга қўйганмиз. Маҳсулотларимиз АҚШ, Буюк Британия, Франция давлатларида ҳам ўз харидорларини топиб улгурди. Айниқса, атлас, адрас, олача, банорас, малла сингари газламаларимизга бугун жаҳон миқёсида катта қизиқиш билдирилмоқда.

...Кўргазма-ярмарка 30 мартга қадар давом этади. Унда қатнашаётган уста ва ҳунармандлар ижоди нуфузли ҳакамлар ҳайъати хулосасига кўра баҳоланиб, бир неча номинация бўйича тақдирланади.

**Муборак ОХУНОВА, «Халқ сўзи» мухбири.**

# ЎЗБЕКИСТОНДА ГЕРМАНИЯ ИЛМ-ФАНИ КУНИ

(Давоми. Бошланиши 1-бетда.)

Бу борадаги ишлар самарасини янада юксалтиришда халқаро ҳамкорликни ривожлантириш муҳим аҳамият касб этмоқда.

Ўзбекистон ва Германия олий таълим муассасалари, илмий тадқиқот институтлари ўртасида фаол алоқалар йўлга қўйилган. Улар доирасида саноат, қишлоқ хўжалигини ривожлантириш, табиий захиралардан оқилона фойдаланишнинг замонавий йўналишларида биргаликда тадқиқотлар олиб борилмоқда.

— Биз Ўзбекистон билан илм-фан йўналишида узоқ йиллардан буён самарали ҳамкорлик қилиб келамиз, — деди Германия таълим ва илмий тадқиқотлар федерал вазирлиги департаменти директори Михаэл Шлихт. — Мазкур анжуманда Германиянинг нуфузли илмий тадқиқот институтлари, етакчи олий ўқув муассасалари вакиллари, олимлар иштирок этаётгани ҳам бу йўналишдаги ҳамкорлигимиз изчил мустаҳкамланиб бораётганидан далолатдир. Ўзбекистонлик олимлар ва бу ердаги олий ўқув юртлари билан ўзаро ҳамкорлик алоқаларини янада тараққий эттириш ниятидамиз. Ўзбекистон раҳбарияти томонидан мамлакатингиз таълим тизимини модернизация қилиш ва ривожлантириш борасида амалга оширилаётган кенг кўламли ислоҳотлар юксак самаралар бераётир.

Тадбирда Ўзбекистон ва Германия илмий муассасалари ўртасидаги ҳамкорлик алоқаларини янада кенгайтириш ва мустаҳкамлаш, икки мамлакат олимлари ўртасидаги амалий мулоқотни фаоллаштириш, ўзаро тажриба ва ахборот алмашувини янада такомиллаштириш, биргаликда истиқболли қўшма лойиҳалар ишлаб чиқиш ва амалга ошириш юзасидан фикр алмашилди.

**Ирода УМАРОВА, ЎзА мухбири.**

# Илғор технология асосида

*Янгиланиш ва яшариш айёмида Узун туманидаги “Sun-Milk” хусусий корхонасида 12 турдаги сут маҳсулотлари ишлаб чиқаришга мўлжалланган замонавий технологик линия ишга туширилди.*

Интилиш

Мазкур лойиҳа банк томонидан ажратилган 410 миллион сўмлик кредит эвазига молиялаштирилди. Германия технологияси билан жиҳозланган цехда бир кунда 3 тоннагача сут қайта ишланиб, савдо шохобчаларига чиқарилмоқда.

— Эндиликда турли бичим ва кўринишдаги идишларни ҳам ўзимизда тайёрламоқчимиз, — дейди тадбиркор Холисхон Янгибоева. — Шунингдек, чорвачилик фермасини ҳам йўлга қўймоқчимиз. Бу лойиҳаларимиз амалга ошгач, маҳсулот таннархи сезиларли даражада арзонлашади.

Ўтган йили вилоятда 1050 тонна сутни қайта ишлаш қувватига эга 7 та корхона фойдаланишга топширилди.

**Н. ТЕМИРОВ, «Халқ сўзи» мухбири.**

(Давоми. Бошланиши 1-бетда.)

Ўзбекистон Банклари ассоциацияси ва Банк-молия академияси билан ҳамкорликда ташкил этилган ушбу тадбирда республикамиз тижорат банклари, молия ташкилотлари мутахассислари иштирок этди.

Таъкидланганидек, мамлакатимизда Президентимиз ташаббуси билан банкларнинг капиталлашуви, уларнинг барқарорлиги ва ликвидлигини мустаҳкамлашга қаратилган изчил ислоҳотлар амалга оширилаётгани туфайли соҳада мус-

# Самарали фаолиятнинг устувор йўналишлари

таҳкам ҳимоя механизми яратилди. Охирги беш йил давомида Ўзбекистон банк сектори капиталининг етарлилик даражаси банк назорати бўйича Базель қўмитаси томонидан 8 фоиз этиб белгиланган халқаро меъёрдан уч баробар кўп бўлган даражани ташкил этаётгани шунинг самарасидир.

Айни пайтда Президентимизнинг 2010 йил 26 ноябрдаги “2011 — 2015 йилларда республика молия-банк тизимини янада ислоҳ қилиш ва барқарорлигини ошириш ҳамда юқори халқаро рейтинг кўрсаткичларига эришишнинг устувор йўналишлари тўғрисида”ги қарори ижросини таъминлаш юзасидан муайян ишлар олиб борилаяпти. Бу жараёнда бугунги глобаллашув шароитида банк тизимини янада ислоҳ қилиш, хусусан, бухгалтерия ҳисоби, аудит, кредит муносабатлари, менежмент ва маркетинг, пул муомаласи ҳамда валюта муносабатларини такомиллаштириш масалаларига жиддий эътибор қаратилмоқда.

Анжуманда шу каби мавзулар қамраб олинган туркум маърузалар тингланди. Кадрлар тайёрлаш сифатини ошириш, бу борада олий ўқув юртлари билан тижорат банклари ҳамкорлигини мустаҳкамлаш бўйича фикр алмашилди.

**С. ИБОДУЛЛАЕВ.**

Фармон ва ижро

*Президентимизнинг 2011 йил 5 январда қабул қилинган “Ўзбекистон Республикасида паспорт тизимини такомиллаштиришга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги Фармонига кўра, юртимизда биометрик паспорт тизими жорий этилмоқда. Ушбу жараён 2015 йилнинг охирига қадар якунланиши кўзда тутилган. Мухбиримиз биометрик паспортнинг ўзига хос хусусият ва афзалликлари, бу борада амалга оширилаётган ишлар ҳақида Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги Хорижга чиқиш, келиш ва фуқароликни расмийлаштириш бошқармаси бошлиғининг ўринбосари Улугбек ТАШХОДЖАЕВ билан суҳбатлашди.*

# БИОМЕТРИК ПАСПОРТ — ҚУЛАЙ ВА МУКАММАЛ

— Юртбошимизнинг ушбу Фармонига биноан, фуқароларга биометрик паспорт бериш изчил амалга оширилмоқда, — дейди у. — Маълумки, истиқлол йилларида мамлакатимиз қатор халқаро ташкилотларга аъзо бўлди. Жумладан, бугунги кунда Ўзбекистон Халқаро фуқаро авиацияси ташкилотининг тенг ҳуқуқли аъзоси ҳисобланади. 1944 йилда қабул қилинган Халқаро фуқаро авиацияси тўғрисидаги Чикаго конвенциясига ҳамда Халқаро фуқаро авиацияси ташкилоти (ИКАО) Монреаль Ассамблеясининг 2004 йилдаги резолюциясига мувофиқ, ушбу ташкилот таркибига кирувчи давлатларга фуқароларнинг шахсий биометрик параметрлари ва белгиланган маълумотлари қайд этилган электрон чип ҳамда юқори ҳимоя даражасига эга шахсни тасдиқловчи ҳужжатлар жорий этилишини таъминлаш тавсия қилинган. Хусусан, унда бу нуфузли ташкилотга аъзо давлатларнинг 2010 йилдан биометрик паспортга ўтиши белгиланган бўлиб, паспорт тизимимиздаги мазкур ислоҳотлар бу билан ҳам узвий боғлиқ.

**— Биометрик паспорт жорий этилишининг яна қандай ҳаётий заруратлари бор?**

— Шуни алоҳида таъкидлаш керакки, халқаро талабларга мос бўлган биометрик паспорт жорий қилинишини даврнинг ўзи тақозо этмоқда. Мамлакатимиз истиқлолга эришгач, биз учун дунё дарвозалари кенг очилди. Бугун тижорат, ўқиш ёхуд саёҳат мақсадида хорижга чиқаётган юртдошларимиз сафи тобора кенгаймоқда. Шу маънода, биз ўтаётган янги паспорт тизими шахсни тасдиқловчи ҳужжат сифатида халқаро талабларга тўла жавоб бериши билан аҳамиятлидир. Биометрик паспортнинг яна бир муҳим жиҳати шундаки, шахсни тасдиқловчи ҳужжатлар хавфсизлиги таъминланади ҳамда фуқароларимизнинг дунёнинг барча мамлакатларида эркин юриши учун шароит яратилади. Яна бир гап. Мазкур ҳужжат фуқароларнинг давлат чегарасидан ўтиш пайтида шахсини тезкор ва аниқ идентификация қилиш имконини ҳам беради, шунингдек, халқаро авиаташиш самарадорлиги ошишига хизмат қилади.

**— Янги паспортда шахс ҳақидаги қандай маълумотлар жамланади, у амалдаги паспортдан яна нимаси билан фарқ қилади?**

— Биометрик паспорт 36 варақдан иборат (аввалгиси 32 варақ) бўлиб, унинг ҳимоя тизими кучайтирилган. Уни қалбакилаштириш имкони йўқ. Паспортнинг орқа муқовасига жойлаштирилган махсус қурилма (чип)га фуқаро — паспорт эгасининг биографик ва биометрик маълумотларининг электрон нусхаси киритилади. Юқорида айтганимиздек, бу омил фуқароларимиз халқаро аэропорт, чегара пунктларидан ўтаётганда шахсини идентификация қилишни осонлаштиради.

Бундан ташқари, биометрик паспортлар ИКАО тавсияларига мувофиқ, лотин графикасида ўзбек ва инглиз тилида, Қорақалпоғистон Республикаси аҳолиси учун эса қорақалпоқ, ўзбек ҳамда инглиз тилларида тайёрланади. Унга базавий маълумотлардан ташқари, фуқаронинг ҳарбий хизматга мажбурлиги, никоҳнинг рўйхатга олингани ёки бекор қилингани, рўйхатга қўйилгани ёки чиққани ҳақидаги қайдлар, чет элга чиқишга рухсат берувчи қайдлар, 16 ёшгача бўлган болаларга ҳамроҳлик қилувчи шахслар ҳақидаги ва бошқа маълумотлар ҳам киритилади. Паспортга фотосурат босмалаш усули билан киритилади ва бу уни қалбакилаштиришдан ҳимоялашга хизмат қилади.

**— Биометрик паспортга ўтиш борасида қандай ишлар олиб борилмоқда?**

— Айни кунларда Тошкент шаҳрининг барча туманлари ИИБ Хорижга чиқиш, келиш ва фуқароликни расмийлаштириш бўлимларида биометрик паспорт берилмоқда. Шунингдек, Тошкент вилояти ИИБда тажриба сифатида янги ҳужжатларни топшириш ишлари амалга оширилаяпти. Яқин кунларда эса республикамизнинг қолган ҳудудларида ҳам биометрик паспорт бериш босқичма-босқич амалга оширилиши режалаштирилмоқда. Бунинг учун жойларда барча қулайлик ва шарт-шароит яратилган.

**— Биометрик паспорт олиш жараёни амалдаги паспортникидан фарқ қиладими?**

— Албатта. Биометрик паспорт олиш учун ариза берган шахс махсус қурилма ёрдамида суратга олинади, айни чоғда унинг бармоқ излари ҳам туширилади. Паспорт олаётганда эса фуқаронинг кўрсаткич бармоғи изи (верификация) яна қайд этилади. Ушбу ҳужжат фақатгина эгасига берилади, бошқа шахс томонидан олиниши мумкин эмас.

Биометрик паспорт бериш жараёнида кекса ва ногиронларга қўшимча шароит яратиш ҳам кўзда тутилган. Бунинг учун биометрик маълумотларни йиғишга мўлжалланган ҳаракатдаги станция хизмати жорий этилмоқда. Унга кўра, паспорт хизмати ходими ногирон ёки кекса фуқаро яшайдиган хонадонга бориб, унинг сурати ҳамда бармоқ изларини олиб, паспорт олиш учун талабнома шакллантиради. Тайёр бўлган паспорт яна аризачи уйига бориб топширилади.

Хорижга чиқаётган болаларга ҳам биометрик паспорт бериш назарда тутилган. Алоҳида таъкидлаш лозимки, 16 ёшга тўлмаган фуқароларга фақат хорижга чиқиш зарурати туғилганда биометрик паспорт бир ёшгача 2 йил, бир ёшдан 16 ёшгача бўлган фуқароларга 5 йил муддатга берилади ва ҳужжатга вақтинча хорижга чиқиш стикери ёпиштирилади. Алоҳида ҳолатларда — агар фуқаро республика ҳудудидан ташқарига чиқаётган вақтда унинг ёши 15 дан ошган бўлса, унга Ўзбекистон Республикаси фуқароси паспорти (10 йил муддатга) берилиши мумкин.

Жаҳон амалиётидан келиб чиқиб, Ўзбекистонда мунтазам яшаётган, фуқаролиги бўлмаган ва республика ҳудудидан ташқарига чиқмоқчи бўлаётган шахсларга биометрик ҳаракатланиш ҳужжати 5 йил муддатга берилади. Уларнинг фарзандлари ҳам мамлакатимиздан чиқиш пайтида ана шундай ҳужжат эгалари бўлишлари мумкин.

Шу ўринда фуқароларимизга ҳозирги паспортлар 2015 йилнинг 31 декабригача амалда бўлиши ва қонуний ҳужжат ҳисобланишини эслатиб ўтмоқчиман. Бу давр мобайнида республикамизнинг барча ҳудудларида амалдаги паспортлар босқичма-босқич биометрик паспорт билан тўлиқ алмаштирилади.

Мухтасар айтганда, мамлакатимизда халқаро талабларга тўлиқ жавоб берадиган биометрик паспорт тизимига ўтиш жадал амалга оширилмоқда. Ушбу жараённи муваффақиятли ўтказиш учун барча чора-тадбирлар кўрилаётир. Зеро, Ўзбекистон Республикаси фуқароси паспорти биз учун энг муҳим ҳужжат экан, ушбу жараённи юксак уюшқоқлик билан ташкил этиш ва ўтказишга ҳар биримиз масъулмиз.

**Зокир ХУДОЙШУКУРОВ суҳбатлашди.**

# Саҳна жозибаси

*Ўзбек миллий академик драма театрида Халқаро театр кунига бағишланган тадбир бўлиб ўтди. Ўзбекистон Республикаси Маданият ва спорт ишлари вазирлиги, “Ўзбектеатр” ижодий ишлаб чиқариш бирлашмаси ҳамкорлигида ўтказилган мазкур тадбирда театр санъати вакиллари, ёзувчи ва драматурглар, талаба-ёшлар ҳамда оммавий ахборот воситалари ходимлари иштирок этди.*

Санъат

Маданият ва спорт ишлари вазири Т. Қўзиев, “Ўзбектеатр” ижодий ишлаб чиқариш бирлашмаси бош директори О. Ризаев ва бошқалар истиқлол йилларида санъатнинг барча турлари қаби ўзбек театр санъатида ҳам катта ижобий ўзгаришлар амалга оширилганлигини таъкидлашди. Жумладан, пойтахтимизда ва вилоятларда замонавий театр бинолари бунёд этилди, иқтидорли кадрларни тайёрловчи таълим муассасалари фаолияти тубдан янгиланди. Муҳими, саҳналарда юртимизда амалга оширилаётган ислоҳотлар, замонамиз қаҳрамонлари, ватандошларимизнинг турмуши, уларнинг орзу-ҳаваслари, интилишлари акс эттирилмоқда. Ўз ўрнида кишиларда санъатнинг мазкур турига бўлган қизиқиш ортмоқда.

Анжуманда ўзбек театри жаҳон театри ривожига муносиб ҳисса қўшиб келаётгани ҳам эътироф этилди. Ёзувчи ва драматургларимизнинг асарлари кўплаб хорижий тилларга таржима қилиниб, саҳналарда намойиш этилаяпти. Шунинг баробарида жаҳон драматургиясининг дурдона асарлари ҳам театрларимизда муваффақият билан саҳналаштирилмоқда.

Тадбирда бир гуруҳ театр фидойиларига фахрий ёрлиқ ва қимматбаҳо совғалар топширилди.

**Д. СОДИҚОВ.**

● Реклама ва эълонлар ●








## «Navoiy mulk markazi» МЧЖ

***бошланғич баҳоси босқичма-босқич ошиб бориш тартибида ўтказиладиган очиқ аукцион савдосига таклиф этади!***

Аукцион савдосига Давлат мулкини бошқариш давлат қўмитаси Навоий вилояти ҳудудий бошқармасининг 2012 йил 25 мартдаги 16-П-сонли буйруғига асосан, жамиятлардаги қуйидаги давлат улушлари қўйилмоқда:

**1.** Навоий вилояти, Кармана тумани, «Уйрот» ҚФЙ ҳудудида жойлашган улгуржи савдо билан фаолият юритишга ихтисослашган, «Navoiy universal ulgurji savdo bazasi» МЧЖнинг 11,52 фоиз давлат улуши.

***Бошланғич баҳоси — 343 561 820 сўм.***

**2.** Навоий вилояти, Қизилтепа тумани, Наврўз кўчаси, 70-уйда жойлашган улгуржи савдо билан фаолият юритишга ихтисослашган, «Qiziltepa ta'minot universal ulgurji savdo bazasi» МЧЖнинг 25 фоиз давлат улуши.

***Бошланғич баҳоси — 391 097 330 сўм.***

Аукцион савдоси 2012 йил 30 апрель куни соат 10.00 да бўлиб ўтади. Аукцион савдосида иштирок этиш истагидаги талабгорлардан аризалар иш кунлари соат 10.00 дан 16.00 гача қабул қилинади (соат 13.00 дан 14.00 гача тушлик вақти). Аризаларни қабул қилишнинг охирги муддати — 2012 йил 27 апрель куни соат 18.00.

2012 йил 30 апрелдаги аукцион савдосида сотилмаган давлат улушларининг такрорий аукцион савдоси 2012 йил 10, 24, 31 май, 11, 18, 29 июнь ва 9, 20, 30 июль кунлари соат 15.00 да бўлиб ўтади. Такрорий савдода аризаларни қабул қилишнинг охирги муддати: 2012 йил 10 майдаги савдо учун — 2012 йил 8 май куни соат 18.00, 2012 йил 24 майдаги савдо учун — 2012 йил 22 май куни соат 18.00, 2012 йил 31 майдаги савдо учун — 29 май куни соат 18.00, 2012 йил 11 июндаги савдо учун — 8 июнь куни соат 18.00, 2012 йил 18 июндаги савдо учун — 15 июнь куни соат 18.00, 2012 йил 29 июндаги савдо учун — 2012 йил 27 июнь куни соат 18.00, 2012 йил 9 июлдаги савдо учун — 6 июль куни соат 18.00, 2012 йил 20 июлдаги савдо учун — 18 июль куни соат 18.00, 2012 йил 30 июлдаги савдо учун — 27 июль куни соат 18.00 да тўхтатилади.

Талабгорлардан аризалар дам олиш ва байрам кунларидан ташқари ҳар куни соат 18.00 га қадар қабул қилинади. Савдода қатнашиш истагидаги талабгорлар улуш бошланғич баҳосининг 15 фоизидан кам бўлмаган миқдордаги закалат суммани савдо ташкилотчисининг ҳисоб рақамига тўлаганликлари тўғрисида тўлов ҳужжати нусхаси билан биргаликда жисмоний шахслар паспорт нусхаси, юридик шахслар давлат рўйхатидан ўтганлиги тўғрисидаги гувоҳнома нусхасини тақдим этишлари шарт. Савдо ғолибига сотувчи билан савдо ўтган санадан бошлаб 20 кун муддат ичида олди-сотди шартномасини имзолаш мажбурияти юклатилади.

Савдо ташкилотчиси — «Navoiy mulk markazi» МЧЖнинг ҳисоб рақами: 20208000704943164001, МФО: 00205, СТИР: 302132768, АТ «Ипотека-банк»и Навоий филиали.

**Савдо ўтказиладиган ва қўшимча маълумотлар олиш учун манзил: Навоий ш., П. Очилов к., 24-уй, Навоий вилояти Давлат мулкини бошқариш бошқармаси маъмурий биноси, 1-қават. Телефонлар: (8-436) 224-44-01, 224-64-31. Расмий сайтимиз: www.rmm.uz**

523R/1441

*Гувоҳнома: 1605.*






*Корхона ва ташкилотлар диққатига!*

## «KOR-UNG INVESTMENT» МЧЖ ҚК

**Фарғона вилояти, Фурқат тумани, «Кўқонбой» ҚФЙ ҳудудида автомобилларга сиқилган газ тўлдириш шохобчаси қуриш учун лойиҳалаштириш ишларини амалга оширишга танлов эълон қилади. Танловда шу соҳада тажрибаси ва лицензияси бўлган ташкилотлар иштирок этиши мумкин.**

*Таклифлар 2012 йил 6 апрелгача қабул қилинади.*

Манзил: 100047, Тошкент ш., Бухоро к., 6-уй.

Танлов шартлари бўйича қўшимча маълумотлар учун телефонлар: (8-371) 150-06-30, 150-06-34. Факс: (8-371) 150-06-24.

519-1R/394

*Companies and enterprises!*

## JV «KOR-UNG INVESTMENT» LLC

**announce the competitive selection of organizations and enterprise who has an appropriate license and experience in the design of the object "Compressed natural gas filling station (CNG) in Kokandbay village, Furkat district of Ferghana region.**

The proposals should be submitted until 6th of April 2012. By address Tashkent city, str. Bukhara # 6 Post code: 100047.

For additional information about the conditions of competition you can contact by phone: 150-06-30, 150-06-34, fax: 150-06-24

519-2R/394


Ўзбекистон Республикаси Геология ва минерал ресурслар давлат қўмитаси жамоаси “Шарқий Ўзбекистон” давлат геология корхонасининг собиқ бош директори, геология ва минералогия фанлари доктори

**Фарҳод Икромович ИСЛОМОВнинг**

вафоти муносабати билан марҳумнинг оила аъзоларига чуқур таъзия изҳор этади.

Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси Иқтисодиёт институти жамоаси катта илмий ходим, иқтисод фанлари номзоди Раъно Содиқовага падари бузруквори

**Абдулла СОДИҚОВнинг**

вафоти муносабати билан чуқур таъзия билдиради.

Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси Алишер Навоий номидаги Тил ва адабиёт институти жамоаси илмий ишлар бўйича директор ўринбосари, филология фанлари номзоди Абдуваҳоб Фаттоҳович Мадвалиевга рафиқаси

**Гулчеҳра Юсуповна МАҲМУДОВАнинг**

вафоти муносабати билан чуқур ҳамдардлик билдиради.

Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси Ўсимлик моддалари кимёси институти жамоаси лаборатория мудири, кимё фанлари доктори, профессор

**Магомед Иса ўғли ИСАЕВнинг**

вафоти муносабати билан марҳумнинг оила аъзолари ва яқинларига чуқур таъзия изҳор этади.

## Маданият хабарлари

*Ўзбекистон Амалий санъат музейида "Риштон кулолчилик безаклари" деб номланган кўргазма ташкил этилди.*

### Безакларда Наврўз жилоси

Кўргазмага кулолликнинг миллий ва анъанавий усулларига хос бўлган турли ҳажмдаги гулдонлар, лаган, шокоса, чорқулоқ, тоғора, саршуяк билан бир қаторда ўйинчоқлар ҳам қўйилган. Экспозициядаги барча бадиий буюмлар музей хазинасида сақланаётган бўлиб, улар тарихий аҳамиятга эга. Кўргазмани ташкил этишдан мақсад халқимизнинг минг йиллик тарихидан ҳикоя қилувчи ушбу амалий санъат намуналари билан ихлосмандларни таништириш ва бой маданий меросимизни тараннум этишдир.

**О. БУРҲОНОВА.**

### «Дарёдан бир томчи»

*Фотожурналист Назира Боймуродованинг Тошкент Фотосуратлар уйида ташкил этилган кўргазмаси ана шундай номланган.*

Кўргазма экспонатидан юртимизнинг бетакрор манзаралари, халқимиз турмуш тарзи, бунёдкорлик ишлари, миллий қадриятларимиз, номоддий маданий меросимизга оид юздан зиёд суратлар ўрин эгаллаган. Айниқса, ёш ижодкорнинг ўзига хос удум ва анъаналар акс эттирилган "Бешик боласи — бек боласи", "Олтин қўллар", "Бекаликка тараддуд", "Бўстонлиқ мўъжизаси", "Ўлан" сингари асарлари томошабинларда илиқ таассурот қолдирмоқда.

**М. КАРИМОВА.**

### Миллий таомларимиз эътирофи

*Ўзбекистон ошпазлар уюшмаси пазандалари Украина давлати пойтахти Киев шаҳрида бўлиб ўтган 8-Халқаро ёшлар пазандалик танловида муваффақиятли иштирок этдилар.*

Элликдан ортиқ давлатларнинг ошпазлари қатнашган ушбу танловдан ҳамюртларимиз ўнта медаль, диплом, сертификат ва кубоклар билан қайтишди.

Ҳар йили анъанавий равишда ташкил этиладиган мазкур танловда ёш ошпазларимиз ўзларининг юксак салоҳиятларини намоён қилишга эришдилар. Турли номинациялар бўйича Илҳом Турғунов, Ҳусан Мирзаев олтин, Бобур Қаюмов, Мирумар Худойберганов ва Файзуллоҳ Абдуллаев бронза медали соҳиби бўлишди.

**С. СУЛАЙМОНОВ.**

Тошкент шаҳридаги Сингапур менежментни ривожлантириш институти
MDIS Tashkent

2012 йил 30 мартни «Карьера куни»

деб эълон қилади ва шу муносабат ила иқтисодиёт, банк ва молия, бизнес, саноат, туризм ҳамда ахборот технологиялари соҳаларида муваффақиятли фаолият кўрсатаётган барча корхоналар раҳбарларини анжуманга таклиф этади.

Агар корхонангизда етакчи малакали, билим мавқеи халқаро стандартларига жавоб берадиган мутахассис ишлашини хоҳласангиз, унда анжуманда қатнашиб, институтдаги ўқув дастурлари, битирувчи ҳамда таҳсил олаётган талабалар, уларнинг малака, билим ва салоҳиятлари билан яқиндан танишиб, фикр алмашиш имкониятини ўтказиб юборманг.

100185, Тошкент шаҳри,
Чилонзор тумани, Бунёдкор шоҳкўчаси, 28-уй.
Тел.: (+998 71) 271-77-00. Факс: (+998 71) 276-90-94.
E-mail: marketing@mdis.uz www.mdis.uz

Омадли келажакка биз билан эришинг!




• Реклама ва эълонлар •










Халқ сўзи
Народное слово

МУАССИСЛАР:
Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси Кенгаши, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати Кенгаши ва Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси

Бош муҳаррир Ўткир РАҲМАТОВ

2008 йил 15 январда Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлигида 0001-рақам билан рўйхатга олинган. Нашр индекси — 229. Буюртма Г — 354. 106 617 нусхада босилди, ҳажми — 2 табоқ. Офсет усулида босилган. Қоғоз бичими А—2. Баҳоси келишилган нархда.

ТЕЛЕФОНЛАР:
Девонхона 233-52-55;
Котибият 233-10-28; Эълонлар 232-11-15.

ISSN 2010-8788

Таҳририятга келган қўлёзмалар тақриз қилинмайди ва муаллифга қайтарилмайди.
Реклама материаллари учун таҳририят жавобгар эмас.

Газета таҳририят компьютер марказида терилди ҳамда операторлар Ж. Тоғаев ва М. Бегмуратов томонидан саҳифаланди.

• МАНЗИЛИМИЗ:
100000,
Тошкент шаҳри,
Матбуотчилар кўчаси, 32-уй.
Навбатчи котиб — Ю. Ҳамидов.
Навбатчи муҳаррир — У. Файзиева.
Навбатчи — М. Охунова.
Мусаҳҳиҳ — Ш. Машраббоев.

«Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонаси. Корхона манзили: «Буюк Турон» кўчаси, 41. ЎзА якуни — 22.20 Топширилди — 22.50 1 2 3 4 5